

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЧКИ АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.10532380>

Музафарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гурӯҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни 2000 йилда қабул қилинган бўлиб, сўнгги 20 йилда аудит бозорида катта ўзгаришлар рўй бергани ва қатор ислоҳотлар амалга оширилгани туфайли бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бермаслиги тобора аён бўлиб қолди. Шу боис, 2021 йил 25 февралда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Янги таҳрирдаги қонунда замонавий талаблар ва аудитни тартибга солиш соҳасидаги текширилган халқаро амалиёт принципларига асосланган аудиторлик фаолиятини тартибга соладиган қоида ва нормалар ҳамда меъёрий ҳужжатларни ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатда унификациялаш ва тизимлаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Калим сўзлар: аудит тизими, бухгалтерия, аудиторлик фаолияти, аудитор текшируви, аудиторлик фаолияти, янги босқич.

ПЛАНИРОВАНИЕ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АУДИТА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Музафарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гурӯҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Аннотация: Закон Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности» был принят в 2000 году, и в связи с серьезными изменениями на аудиторском рынке и рядом реформ за последние 20 лет стало все более очевидным, что он не в полной мере отвечает сегодняшние требования. Поэтому 25 февраля 2021 года была принята новая редакция Закона Республики Узбекистан «Об аудиторской деятельности». В новой редакции закона рассматриваются вопросы создания эффективного организационно-

правового механизма регулирования аудиторской деятельности на основе современных требований и проверенных принципов международной практики в области регулирования аудита, унификации и систематизации правил и норм, регулирующих аудит. Деятельность и нормативные документы выражены в едином нормативном правовом документе.

Ключевые слова: система аудита, бухгалтерский учет, аудиторская деятельность, аудиторская проверка, аудиторская деятельность, новый этап.

PLANNING AND IMPROVING THE AUDIT IN THE NEW UZBEKISTAN

Музарова Сусанна Диляверовна

ТДИУ магистратура, 1-босқич, МБР-32-1 гурӯҳ талабаси

e-mail: Susanna.Muzafarova@uzea.uz

Тел -99890 3227418

Abstract: *The Law of the Republic of Uzbekistan "On Auditing Activities" was adopted in 2000, and due to major changes in the audit market and a number of reforms in the last 20 years, it has become increasingly clear that it does not fully meet today's requirements. Therefore, on February 25, 2021, the new version of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Auditing Activities" was adopted. In the new version of the law, the issues of creating an effective organizational and legal mechanism for the regulation of audit activity based on modern requirements and verified principles of international practice in the field of audit regulation, unifying and systematizing the rules and norms regulating audit activity and regulatory documents in a single regulatory legal document are expressed.*

Key words: *audit system, accounting, audit activity, auditor review, audit activity, new stage.*

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодий назоратнинг асосий таркибий элементи ҳисобланган аудит бугунги кунда бозор иқтисодиёти ривожланишининг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Корхоналарнинг бухгалтерия ва молиявий ҳисоботини мустақил текширишнинг ташкилий, услугбий ва методологик усулларини ўзида жамлаган аудитни ўтказиш учун бу жараёнларни амалга ошира оладиган мутахассис етарли билимга эга бўлиши зарур. Бундай билимга нафақат текширувчи, балки текшириш ўтказилаётган иқтисодий субъектнинг тегишли мутахассислари ҳам эга бўлиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий мустақил ҳамда молиявий барқарор фаолият

курсатишлирида уларни оқилона бошқариш, ҳисоб-китоб юритилишини бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, аудитни тўғри ташкил қилиш, мавжуд моддий, молиявий ва меқнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидағи мажбуриятларини ўз вактида бажариш захираларини ташкил этиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятни бозор талаблари асосида ташкил этиш бугунги кундаги долзарб масалалардан саналади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 19 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-3946-сон қарорида ҳам мамлакатимизда амалга оширилиши лозим бўлган бир-қатор ишлар белгилаб берилиган бўлиб, бугунги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган аудиторлик фаолияти тизимини ташкил этишда дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Адабиётлар шарҳи


Корхонада ички аудит бўлимини ташкил қилиш мураккаб жараён бўлиб, унинг сасмарали фаолият юритиши учун уни корхона хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ички аудит фаолиятини ташкил қилишнинг айrim қирралари хорижий ва республика олимлари Е.Н. Макаренко, А.И. Харитончик, А.Д. Шеремет, Б. Ҳамдамов, Б.А. Ҳасанов, Н.Ф. Каримовнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган. Проф. Н.Ф. Каримов томонидан ички аудит фаолиятини юритиш мажбурий бўлган қўпгина мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида ишлаб чиқилган ички аудит хизматини ташкил қилиш босқичларини ўзаро узвий боғланган ҳолда ташкил этилиши келтирилган.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, тизимили ёндашув ва индуксия ва дедуксия каби тадқиқот усулларидан фойда-ланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашув-лар таҳлилларига асосланиб, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизими ва аудиторлик фарлиягини ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар

Ички назорат тизимининг кўлами ва хусусиятлари, шунингдек уларнинг шаклланиш даражаси иқтисодий субъектнинг ҳажми ва унинг фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан мос келиши лозим.




1-чизма. Ички назорат тизими элементлари¹

Ички назорат тизимининг хусусиятлари текширилаётган иқтисодий субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизими унинг хўжалик фаолиятини аниқ (ёки ноаниқ) акс эттираётганлигига кераклича ишонч ҳосил қилишга ёрдам бериши мумкин. Аудитор назоратнинг тегишли воситаларига таяниши мумкинлигига ишонч ҳосил қилгандагина, у аудиторлик тадбирларини янада осонроқ ва янада қулийроқ олиб боради, шунингдек аудиторлик тадбирлари ва уларни амалга ошириш учун кўзда тутилган давр харажатлари мазмунига ўзгартириш киритиши мумкин. Ички назорат тизими функцияларини 1.2-чизмада ҳавола этамиз. Ички назорат тизимининг умумий ҳолати, назорат муҳити ва алоҳида назорат воситаларининг самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашда аудиторлик ташкилоти камидаги қўйидаги уч босқичдан иборат градацияни бажариши керак: юқори, ўрта, паст.

Аудиторлик ташкилотлари бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолашнинг усул ва тартибини мустақил равишда ишлаб чиқадилар, шунингдек аудиторлик текшируви тадбирларини ушбу ўрганиш ва баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда режалаштирадилар. Хўжалик юритувчи субъект ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолаш учун аудитор томонидан тестлар тузиб чиқилади.

¹ Бухгалтерия Ҳисобининг Халкаро Стандартлари - 2013, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассосиасиясининг таржимаси, - Т.,2014



2-чизма. Ички назорат тизими функциялари²

Аудиторлик текшируви давомида аудиторлик ташкилотлари томонидан бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусиятларининг ўрганиб борилиши ва баҳоланиши, ички назорат тизимини ўрганилиб борилиши ва баҳоланиши ўрнатилган тартибда хужжатлаштирилиши керак. Ушбу ишни олиб бориш ва хужжатлаштиришда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- а) махсус ишлаб чиқилған тест жараёнлари;
- б) раҳбар ходимлар ва бухгалтерия бўлими ходимлари фикрини аниқлаш учун намунавий саволлар рўйхати;
- в) махсус бланк ва текширув қоғозлари;
- г) блок-схемалар ва графиклар;
- д) изоҳлар, баённомалар ёки далолатномалар рўйхати.

Аудиторлик текширувининг асосий босқичлари шартли равища ажратилган, масалан, стандартларга мувофиқ аудит жараёнларини режалаштириш бутун аудит давомида амалга оширилади.

Фикримизча, халқаро амалиётда кенг фойдаланилаётган халқаро ички аудит стандартларини республикамизда ҳам қабул қилиш лозим. Ўзбекистон жамоат ташкилотлари орқали Ички аудиторлар институтига аъзо бўлиш, мамлакатимизда халқаро ички аудит стандартларидан фойдаланиш имконияти яратилади.

² Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциациясининг таржимаси, - Т., 2014

1-расм.

Операцион аудит ўтказишнинг асосий босқичлари³

1. Операцион аудит максади, предмет соҳасини аниклаш ва объектни танлаш

- бошлангич маълумотларни йигишиш (аудиторлик текширувидан ўтадиган объектни кўздан кепчириш);
- аудиторнинг “Операцион аудит ўтказиш бўйича топширик” ишчи ҳужжатини шакллантириш;
- аудиторлар гурухи таркибини аниклаш.

2. Операцион аудитни режалаштириш:

- аудит ўтказишнинг режа ва дастурини тузиш;
- аудиторлар гурухи аъзолари ўртасида ишларни тақсимлаш.

3. Аудиторлик амалларини ўтказиши:

- бизнес-жараён назорат амаллари ва операцияларнинг тўғри шаклланганлигин баҳолаш;
- бизнес-жараён назорат амаллари ва операцияларнинг амалий бажарилишини тестлаш.

4. Операцион аудит ўтказиш натижалари бўйича киска хulosалар шакллантириш ва тавсиялар ишлаб чикиши:

- "Аудитор хисоботи" лойиҳасини тайёрлаш ва бизнес-жараён эгаси ва иштирокчилари билан келишиш;
- "Аудитор хисоботи"ни тасдиқлаша ва тақдим этиш;
- "Аудит натижалари бўйича тузатувчи тадбирлар режасини тайёрлаш".

5. Аудит натижаларини ташкилот фаолиятига жорий этиш ва операцион аудит материаллари билан ишлаш:

- ички аудитор тавсияларининг бажарилиши мониторинги;
- бизнес-жараён назорат амаллари ва операцияларини оптималлаштириш бўйича раҳбарият билан ишлаш;
- ўз эктиёжларини қаноатлантириш мақсадида аудит материаллари билан ишлаш.

Тасдиқланган топшириқ бўйича аудит умумий режасининг янада кенгайтирилган ва батафсил ёритилгани аудит ўтказиш дастури ҳисобланади. Ички аудиторлар фаолиятини режалаштириш Ички аудиторларнинг халқаро касб стандартлари 2010 -сон “Режалаштириш” ва 2020 – сон “Кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун режани тақдим этиш”га мувофиқ тартибга солинади. Аудитни режалаштириш бўйича ҳар қандай ҳужжатни тайёрлаш аудиторлик рискини таҳлил қилишдан бошланади. Аниқланган операцион аудит риски аудиторнинг “Операцион аудит риски” номли ишчи ҳужжатда акс эттирилади. “Аудиторлик амалларини ўтказиш” босқичи аудиторлик топшириқини бажаришда асосий босқич ҳисобланади, чунки ушбу босқичда ички назорат тизимининг операцион самарадорлигини аниқлаш амалга оширилади. Операцион аудит билан шуғулланган ички аудитор томонидан назорат амалларининг натижадорлиги ва таъсирчанлигини баҳолаш мақсадида ўтказилган аудит натижасида назорат амалларининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириши лозим.

³ Яқубов Матрасул Мавлонбердиевич Тошкент молия институти таянч докторант Операцион аудитни ташкил этишнинг асосий босқичлари.

ХУЛОСА ВА НАТИЖАЛАР

Республикамизда иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида инвесторлар, кредиторлар, давлат органлари томонидан иқтисодий асосланган самарали қарорлар қабул қилиниши хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишончли бухгалтерия маълумотларининг тайёрланиши ва ташқи фойдаланувчиларга ўз вақтида етказиб берилиши билан бевосиста алоқадор ҳисобланади. Зоро, самарали иқтисодий қарорлар қабул қилинишига асос бўлувчи бухгалтерия тизими маълумотларининг белгиланган тамойилларга мос равишда тузилганлиги мустақил аудит тизими воситасида аниқланади.

1. Аудиторлик текширувани режалаштираётганда аудитор аудит рискини камайтириш учун турли хилдаги аудит далилларини тўплайди. Аввалги бобларда таъкидлаганимиздек, аудит риски уч элементдан ташкил топган, яъни доимий риск, назорат риски ва аниқланмаслик риски. Бу рискларнинг ҳар бири учун аудитор тўплаши лозим бўлган далиллар турличадир. Аммо, шуни таъкидлаш лозимки, аудитор далилларни аввало аниқланмаслик рискини камайтириш учун тўплайди. Чунки, аниқланмаслик риски бевосита аудит далилларига боғлиқ. Назорат риски билан боғлиқ бўлган аудит далиллари ҳар бир операция ёки ҳужжатни текширишга эмас, балки шу операцияларга нисбатан ишлаб чиқилган ички назорат тизимининг сифатини ўрганишга каратилган. Ички назорат тизими қанчалик сифатли деб топилса, аудит далиллари ҳам шунчалик кам микдорда тўпланиши мумкин.

2. Хорижий давлатларда аудиторлик текширувани ташкил қилишда ҳамда аудиторлик текширувани ўтказиша тўрт босқичли мукаммал қилиб ишлаб чиқилиш натижасида аудиторлик текширувани сифатли ҳамда текширув ўтказилаётган иқтисодий субъектнинг молиявий ҳолатини аниқ баҳолаш имкониятини беради. Бизда эса уч босқичли текширув олиб борилади. Ўзбекистонда ҳам тўрт босқичли қилиш лозим, яъни ишчи ҳужжатларни расмийлаштиришдан (аудиторлик хulosasi ҳамда аудиторлик ҳисоботни тузишдан) текширув ўтказилган натижаларни таҳлил қилган ҳолда натижаларни баҳолаш босқичини киритиш керак деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. №404. 2016 йил 13 апрель.
- Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» ги Қонуни (янги таҳрир). - Т.: 2021 йил 25 май (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).

3. Бухгалтерия Ҳисобининг Халқаро Стандартлари - 2013, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциасиясининг таржимаси, - Т., 2014
4. Халқаро аудит стандартлари, сифат назорати, кўриб чиқиш, бошқа ишонч билдириш ва турдош хизматларнинг халқаро стандартлари тўплами - Ҳалқаро Бухгалтерлар Федерасияси, 2013.
5. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий Ассоциасиясининг таржимаси, - Т., 2014
6. Яқубов Матрасул Мавлонбердиевич Тошкент молия институти таянч докторанти Операцион аудитни ташкил этишнинг асосийбосқичлари.